



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

11 (61) 2023

**Сопредседатели редакционной
коллекции:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.А. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ

Н.Н. ЗОЛотоВА
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
ХАСАНОВА Д.А.
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN
MUSLUMOV (Azerbaijan) Prof. Dr.
DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

11 (61)

2023

ноябрь

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.10.2023, Accepted: 27.10.2023, Published: 10.11.2023.

УДК 616.1/4+616.12-008.331.1.

ДИАСТОЛИК ҚОН БОСИМИ ЎРТАЧА ДАРАЖАЛАРИНИНГ АНДИЖОН ШАҲРИНИНГ УЮШМАГАН АҲОЛИ ГУРУҲЛАРИДА ТАРҚАЛИШИ

Аҳмадалиева Умидахон Қобилжоновна <https://orcid.org/0000-0003-2397-832X>

Андижон давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Андижон, Отабеков 1
Тел: (0-374) 223-94-60. E.mail: info@adti

✓ Резюме

Диастолик қон босими даражаларининг тарқалиши 15-70 ёшли ва ундан ошган уюшмаган аҳоли (1574 та эркак ва 2395 та аёл) орасида янги эпидемиологик мезонларга асосланиб ўрганилди. Диастолик артериал босим эркаларда ўртача 92,3 мм.сим.уст., аёлларда эса 90,2 мм.сим.уст.га тенг бўлиб аниқланди. Ёш ўтган сари бу кўрсаткичлар ортиб борди ва 50 ёшдан кейин бу жараён янада кескинлашди.

Калит сўзлар: ёш, жинс, популяция, артериал босим, профилактика.

РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ СРЕДНИХ СТЕПЕНЕЙ ДИАСТОЛИЧЕСКОГО АРТЕРИАЛЬНОГО ДАВЛЕНИЯ СРЕДИ НЕОРГАНИЗОВАННОГО НАСЕЛЕНИЯ ГОРОДА АНДИЖАНА

Ахмадалиева Умидахон Кабилджановна <https://orcid.org/0000-0003-2397-832X>

Андижанский государственный медицинский институт Узбекистон,
Андижон, Ул. Атабеков 1 Тел:(0-374)223-94-60. E-mail: info@adti

✓ Резюме

Распространенность средних степеней диастолического артериального давления (ДАД) изучалось среди неорганизованного населения (1574 мужчин и 2395 женщин) по новым эпидемиологическим критериям артериальной гипертонии. Средняя степень ДАД среди мужчин – 92,3 мм.рт.ст., среди женщин – 90,2 мм.рт.ст. С увеличением возраста средние степени ДАД растут, особенно после 50 лет рост становится более значительным.

Ключевые слова: возраст, пол, популяция, артериальное давление, профилактика.

PREVALENCE OF MODERATE DEGREES OF DIASTOLIC BLOOD PRESSURE AMONG THE UNORGANIZED POPULATION OF ANDIJAN

Akhmadaliev U.K. <https://orcid.org/0000-0003-2397-832X>

Andijan State Medical Institute, 170100, Uzbekistan, Andijan, Atabekova st.1
Тел:(0-374)223-94-60. E-mail: info@adti

✓ Resume

Spread average degrees of systolic and diastolic arterial pressure (the SAP and DAP) was studied among unorganized population (1574 men and 2395 women) on new epydemiological of the arterial hypertension. The Average degree among of SAP men is 144,8 mm.rt.st., among women - 141 mm.rt.st., but average degree of DAD among men - 92,3 mm.rt.st., among women - 90,2 mm.rt.st. With increase the age average degree and DAP increase criterions, particularly after 50 years the increase becomes more important.

Key words: age, gender, population, blood pressure, prevention



Долзарблиги

Хозирги кунга келиб артериал гипертония (АГ) дунёнинг барча мамлакатларида кенг тарқалган сурункали ноинфекцион касаллик бўлиб қолмоқда [3,2]. Кейинги йиллардаги статистик маълумотларга кўра юрак-томир касалликларидан бўладиган ўлимни 85%га айнан АГ туфайли келиб чиқадиган юрак ишемик касаллиги (46,8%) ва бош мия инсультига (38,7%) тўғри келади [5]. АГ аҳолининг 18 ёшдан катта қисми орасида ўртача ҳар тўрт кишининг биттасида учрайди [4]. Илмий манбаларда таъкидланишича, бу касаллик билан хасталанганлар 30 ёшгача бўлган аҳоли орасида 4%, 50-60 ёшлилар орасида 44%, 60-69 ёшда 54% ва 70 ёшдан ошганлар орасида эса 65% ни ташкил қилади. Замонавий АГ нинг эпидемиологик тавсифларини очишда, превентив фаолиятларда тўпланган тажрибаларга асосан, қон босимининг ўртача даражалари тарқалишини қиёслаб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсади: Андижон шаҳрининг турли аҳоли гуруҳларида диастолик қон босимининг ўртача даражаларининг тарқалишини қиёсий эпидемиологик тавсифларини ўрганиб чиқиш ва баҳолашдан иборат.

Материал ва услублар

Андижон шаҳрининг 15-70 ёшли ва ундан ошган аҳоли гуруҳлари тадқиқотнинг объекти сифатида танлаб олинди (1574 та эркак, 2395 та аёл). Текширув Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан эпидемиологик тадқиқотларни бажаришга қўйилган талабларга риоя қилинган ҳолда ташкил этилди ва амалга оширилди. Текширувда сўровномали, эпидемиологик, асбоб-ускунали ва статистик усуллар қўлланилди.

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқот натижалари текширувга жалб қилинган аҳоли гуруҳларида диастолик қон босими (ДАБ)нинг ўртача даражалари ва унинг ёшга боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши ўрганиб чиқилди.

Умумий популяцияда ДАБ нинг ўртача даражаси $91,3 \pm 1,1$ мм.сим. уст.га тенг бўлди, аёлларда $90,2$ мм.сим. уст., эркакларда эса $92,3$ мм.сим. уст.га тенг даражаларда, яъни $2,1$ мм.сим. уст.га тафовут билан қайд қилинди ($P > 0,05$). ДАБ ёш ўтган сари ортиб бориб, умумий популяцияда 15 ёшдан 70 ёшгача $21,2$ мм.сим. уст.гача ($P < 0,05$), аёлларда $21,4$ мм.сим. уст., эркакларда эса $21,0$ мм.сим. уст.га ($P < 0,05$) тафовут билан фарқланиб қайд этилди. Бу айрим тадқиқотларда келтирилган маълумотларга мувофиқ келади [1], айримлардан эса нисбатан юқорилиги билан фарқланади. Албатта, муъайян иқлимий шароитлар ва турлича эпидемиологик омилларнинг қон босими даражаларига таъсир этиши мумкинлигини ҳисобга олганда бундай тафовутланишлар бўлиши табиий. Турли ёш гуруҳларида ДАБ ўртача даражалари популяцияда қуйидагича аниқланди: 15-19 ёшда ДАБ $76,8 \pm 0,70$ мм.сим. уст.га тенг даражада, 20-29 ёшда $79,9 \pm 0,74$ мм.сим. уст., яъни $3,1$ мм.сим. уст.га ошиб ($P_2 > 0,05$), 30-39 ёшда $85,8 \pm 0,98$ мм.сим. уст. ёки $5,9$ мм.сим. уст.га кўтарилиб ($P < 0,05$), 40-49 ёшда $89,2 \pm 0,99$ мм.сим. уст. ёки $12,4$ мм.сим. уст.га кўтарилиб ($P < 0,05$), 50-59 ёшда $91,3 \pm 1,0$ мм.сим. уст. ёки $14,5$ мм.сим. уст.га ошиб ($P < 0,01$), 60-69 ёшда $93,7 \pm 1,6$ мм.сим. уст. ёки $16,9$ мм.сим. уст.га ошиб ($P < 0,01$), 70 ёш ва ундан ўтганларда эса $95,0 \pm 1,7$ мм.сим. уст., ёки 15-19 ёшли гуруҳларга нисбатан $18,2$ мм.сим. уст.гача тафовут билан ($P < 0,01$) қайд этилди.

Эркакларда ДАБ ўртача даражалари 15-19 ёшли гуруҳларида $77,4 \pm 0,72$ мм.сим. уст.га тенг бўлиб, 20-29 ёшда унга нисбатан $2,8$ мм.сим. уст.га ($80,2$ мм.сим. уст. ($P < 0,05$)) ортиб, 30-39 ёшда $86,4$ мм.сим. уст.га тенг бўлиб ёки 9 мм.сим. уст.га ошиб ($P < 0,05$), 40-49 ёшда $89,6 \pm 1,0$ мм.сим. уст. ёки $12,2$ мм.сим. уст.га ортиб ($P < 0,05$), 50-59 ёшда $92,2 \pm 1,2$ мм.сим. уст. ёки $14,8$ мм.сим. уст.га тафовут билан ортиб ($P < 0,05$), 60-69 ёшда $94,2 \pm 1,8$ мм.сим. уст. даражада ёки $16,8$ мм.сим. уст.га ортиб ($P < 0,01$) ва 70 ёшдан ошган эркакларда $95,6 \pm 1,9$ мм.сим. уст. ёки $18,2$ мм.сим. уст.га ортиб ($P < 0,01$) тафовут билан аниқланди.

Аёллар орасида ДАБ 15-19 ёшлиларда $76,2 \pm 0,68$ мм.сим. уст.га тенг бўлиб, 20-29 ёшдагиларда $79,6 \pm 0,71$ мм.сим. уст.гача ортиб ёки $3,4$ мм.сим. уст.га фарқ билан қайд этилади ($P > 0,05$), 30-39 ёшда эса $85,2 \pm 0,97$ мм.сим. уст.га тенг бўлиб ёки 9 мм.сим. уст.га тафовутланади ($P < 0,05$), 40-49 ёшда $88,7 \pm 0,98$ мм.сим. уст. ёки $12,5$ мм.сим. уст.га ортади ($P < 0,05$), 50-59 ёшда $90,3 \pm 1,0$ мм.сим. уст. бўлиб ёки $14,1$ мм.сим. уст.гача фарқланади ($P < 0,05$), 60-69 да $93,2 \pm 1,4$ мм.сим. уст. ёки 17 мм.сим. уст.га тенг бўлади ($P < 0,05$) ва 70 ёшдан

кейин ДАБ ни ўртача даражаси $94,4 \pm 1,5$ мм.сим. уст.га тенг бўлади ёки $18,2$ мм.сим. уст. тафовут билан ортиб аниқланади ($P < 0,05$).

Демак, диастолик қон босимининг даражалари текширилган популяцияда ёшга боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Ундан келиб чиқиб бирлашган профилактика муолажаларини бир вақтда ўтказиш, иккиламчи профилактика тизимини режалаштириш ва учламчи профилактикани барвақт прогноزلаш ҳамда амалга ошириш илмий-амалий салоҳият касб этади, АГ билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий зарарларни текширилган аҳоли гуруҳлари орасида кескин камайтиради.

Хулоса

Хулоса диастолик қон босими ўртача даражалари ёшга боғлиқ ҳолда ортиб бориб, бу жараён 50 ёшдан кейин янада кескинлашади. Эрақлар орасида диастолик қон босими ўртача даражалари аёлларга караганда юқори бўлиб $2,1$ мм.сим. уст.га фарқ қилади. АГ ни даволаш – профилактика ишларини ташкил этишда ёшга ва жинсга аҳамият бериш муҳим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Д.Б. Рахматова и др. Анализ факторов риска ИБС у лиц старше 60 лет среди населения города Бухары Г.Х.Ражабова, Н.Х.Мавлонов // Тиббиётда янги кун 2018;4(28):102-104.
2. Д.Б. Рахматова Бухоро шаҳрида яшовчи 60 ёшдан катта аҳоли ўртасида ЮИК хавф омилларининг таҳлили // Биология ва тиббиёт муаммолари // Халқаро илмий журнал 2019;1.1(108):258-259.
3. D.V.Rahmatova Analysis of the risk factors of chd in persons over 60 years among the population of the city of Bukhara // Asian studies India 2019;1:33-38. <https://Journals.pen2print.org>
4. Рахматова Д.Б. «Главные» симптомы и ведущие клинические варианты течения острого коронарного синдрома у женщин. /Д.Б.Рахматова. // Journal of Biomedicine and Practice 2019;2(6):68-73. [http:// dx.doi.org/10.26739/2181-9300-2019-6-8](http://dx.doi.org/10.26739/2181-9300-2019-6-8)
5. Александров А.А., Розанов В.Б., Пугоева Х.С., Зволинская Е.Ю. и др. Результаты 22-летнего проспективного наблюдения за детьми с нормальным и повышенным артериальным давлением. // Профилактика заболеваний и укрепление здоровья. 2000;5:16-22.
6. Алмазов В.А., Благодосклонная А.В., Шляхто В.В. Метаболический сердечно-сосудистый синдром. / Ст-Петербург: Изд-во СПб ГМУ 1999;68-69.
7. Вебер В.Р., Бритов А.Н. Профилактика и лечение артериальной гипертонии. В.Новг.-Москва 2002;244.
8. Оганов Р.Г. Артериальная гипертония - эпидемия современности. // «Кардиология - 2000» Москва 2000;137-140.
9. Попов А.И., Токарев С.А., Уманская Е.Л., Буганов А.А. Распространенность артериальной гипертонии и факторов сердечно-сосудистого риска среди населения Крайнего Севера. // Профилактика заболеваний и укрепление здоровья 2005;1:40-42.

Қабул қилинган сана 20.10.2023